

2 – илова

Тариф (ҚҚС ва Махсус устама хақ

билин)

Сув 1 м<sup>3</sup> 1930 сўм,

Окова 1 м<sup>3</sup> \_\_\_\_\_ сўм

99 000 671 82/802

сонли шартнома  
«Истеъмолчи»ларга ичимлик ва оқова суви хизматларини кўрсатиш учун

«05» 01 2022 й.

Сув таъминот

Ушбу шартнома «МЧЖ» МЧЖ, кейинги ўринларда «Таъминотчи» деб юритилади. Низом асосида фаолият юритувчи Я. Куродиров

(Ф.И.О.)

шахсида, бир томондан ва кейинги ўринларда «Истеъмолчи» деб юритилувчи асосида иш олиб борувчи директор У. Насиров

(Ф.И.О.)

иккинчи томондан, куйдагилар ҳакида тузили:

### I. Шартнома предмети

1.1. 20 22 йил учун сув етказиш ҳажми учун тузилган шартномага мувофиқ юридик ташкилотлари (бундан бўён матинда II гурух «Истеъмолчи» лари деб юритилади) учун сув етказиш

1430 нарх бўйича 1430 м<sup>3</sup>ни;

1 м<sup>3</sup> ичимлик сув учун 1380 сўм (+ҚҚС 15%), + 50 сўм (махсус устама хақ)ни;

1 м<sup>3</sup> окова сув учун - сўм (+ҚҚС 15%), + - сўм (махсус устама хақ)ни ташкил килмоқда.

Шу тарика шартноманинг умумий киймати 15000 сўмни ташкил килди.(сумма ёзув билан)

Шу жумладан, бюджет маблағларидан 15000 сўм, бюджетдан ташкари маблағларидан - сўм бюджетдан ташкари маблағлардан тўланиши кўзда тутилган.

II гурух истеъмолчилари Коидаларда белгиланган тарзда “Таъминотчи” томонидан тақдим килинган хисобварак-фактураларга асосан, Молия вазирилиги Фазначилиги орқали сув таъминоти ва оқова сувини чиқариш учун ўтказилган маблаглар орқали амалга оширилади.

1.2. «Таъминотчи» «Истеъмолчи»ни сифатли ичимлик сув билан таъминлаш ва «Истеъмолчи»дан оқова сувларни кабуд қилиб олиш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.3. «Истеъмолчи» «Таъминотчи»га ичимлик ва оқова сув хизматлари учун тўловларни хар ойнинг 10 санасигача 100 фоизлик олдиндан хақ тўлаш тарикасида амалга ошириш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

1.4. Тарафлар ушбу шартноманинг ичимлик ва оқова сув хизматлари бўйича шартларини бажариш, Ўзбекистон Республикасининг конунчилиги- талабларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 15 июлдаги 194-сонли карор билан тасдиқланган “Истеъмолчиларга сув таъминоти ва оқова сувни чиқариш хизматлари кўрсатиш Коидалари”га (кейинчалик матнда – Коидалар деб юритилади), хамда маҳаллий ҳокимият томонидан тасдиқланадиган маҳсус устама хақи 1 м<sup>3</sup> ичимлик сув учун 50 сўм, 1 м<sup>3</sup> окова сув хизмати учун 50 сўм билан бирга «Таъминотчи» томонидан тақдим килинган ичимлик ва оқова сув тизимиға уланиш учун рухсат этувчи хужжатларга риоя қилиш мажбуриятини ўз зиммасига оладилар.

### II. Умумий коидалар

2.1. «Истеъмолчи» «Таъминотчи» ташкилоти рухсати билан ва у техник имкониятларни мавжуд деб топган холатларда, ўз тасаруфидаги ичимлик ва оқова сув тармокларига, иншоот ва курилмаларга субистеъмолчиларнинг уланшишига рухсат бериш ҳуқуқига эга.

2.2. «Истеъмолчи» билан субистеъмолчи ўртасида тўлов масалаларида пайдо бўладиган низолар «Таъминотчи» ташкилоти томонидан кўриб чиқилмайди.

2.3. Агар «Истеъмолчи» ва унга уланган субистеъмолчи турли гурух ва тоифали истеъмолчиларига мансуб бўлса, «Таъминотчи» ташкилоти билан шартномани «Истеъмолчи» хам, субистеъмолчи хам тузади ва сувни хисобга олиш приборини ўрнатиш хар иккаласи учун хам мажбурий хисобланади.

2.4. Ичимлик сувдан дов-дараҳатларни сугориш учун фойдаланилишига қуйдаги истисно холатларда йўл қўйлади: ирригация суви бўлмагандан, таъминотчи ташкилоти куввати мавжуд

бўлганда ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан тасдикланган жадвал бўйича, факат тунги вактда (соат 00–00 дан соат 05–00 гача) йўл қўйилади.

2.5. Ичимлик ва окова сув хизматидан истеъмолчи хўжалик-истеъмол, майший эхтиёж ва ёнғинларни ўчириш хамда технологик ва ишлаб чиқариш жараёнлари учун фойдаланилади.

2.6. Сувни хисобга олиш приборлари Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги томонидан текширилиб пломбаланади, хамда “Таъминотчи” томонидан пломбаланиши лозим. Шунингдек, ичимлик сувини хисобга олиш приборини ечиш, киёслашдан ўтказиш ва ўрнатиши қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширилади.

2.7. «Истеъмолчи»га ўрнатилиши лозим бўлган сув ўлчаш приборининг шартли ўтказгичининг диаметри (калибри) хисоб-китоб асосида аникланади, обьектнинг максимал сув истеъмоли ва минимал сув истеъмолига текширилади хамда «Истеъмолчи» билан келишилади. Хисоблаш прибори учун ўрнатилган минимал истеъмол микдоридан кам микдорда сув истеъмол килинганди, «Таъминотчи» ходими сув ўлчаш тармоғини қайтадан курилма билан таъминлаш учун кўрсатма беради, ушбу кўрсатма бажарилмаганди, хисоблаш приборининг кўрсаткичлари қабул килимайди ва хисоблаш Коидаларда ўрнатилган тартибда амалга оширилади.

2.8. Ичимлик ва окова сув хизматлари хўжалигининг реконструкцияси, хисоблаш приборларини ишга тушириш, хисоблаш приборларини алмаштириш, янги субистеъмолчиликарининг уланини «Истеъмолчи» томонидан фақат «Таъминотчи» тарафидан тасдикланган техник шартлар ва лойиха асосида амалга оширилиши мумкин бўлиб, улар «Истеъмолчи»нинг сўровномаси асосида, барча тасдикловчи хужжатларни илова киlgан ҳолда берилади. «Таъминотчи»дан олинган техник шартлар асосида, «Истеъмолчи» буюртмасига асосан, амалдаги месъёр, коидалар ва бошқа месъерий хужжатлар асосида ишлаб чиқилади.

2.9. Курилган уламаларнинг ишга туширилиши «Таъминотчи» томонидан, «Истеъмолчи» ва курилиш ташкилот вакилларининг иштироқида амалга оширилади.

2.10. Ичимлик ва окова сув хизматлари учун тарифлар ва устами ҳақ микдори ўзгарган санасидан қатъи назар, ушбу хизматлар юзасидан «Истеъмолчи» билан тузилган шартнома ўз кучини саклаб қолади ва «Истеъмолчи» кўрсатилган хизматлар учун, янги тарифлар асосида, улар киритилган санадан эътиборан тўловларни амалга ошириши шарт.

2.11. Қўйилагилар «Таъминотчи» ташкилотлари билан «Истеъмолчи»лар шу жумладан, хусусий уйжой мулкдорлари ширкатлари ўртасидаги, ичимлик ва окова сув хизматлари тармоклари, иншоотлари хамда курилмаларига хизмат кўрсатиш, уларнинг техник ҳолатини саклаш ва фойдаланиш юзасидан жавобарлик чегаралари хисобланади:

а) ичимлик сув истеъмоли учун — тармокка уланишини узib кўйувчи кириш кулфи. Кириш кулфи билан ичимлик сувга уланиш, «Истеъмолчи»нинг ички ичимлик суви тизимининг бир қисми хисобланади;

б) окова хизмати учун — «Истеъмолчи» окова тизимининг ички қисми хисобланувчи, магистрал окова тармоғига уланиш нуктасидаги чиқарув қудуги. Агар чиқарувчи окова қудуги (камераси) магистрал окова тармоғига жойлашган бўлса, ушбу қудук «Таъминотчи» ташкилоти окова тармоғининг бир қисми хисоблананиб, унга туташтирувчи фойдаланиш чизиги эса «Истеъмолчи»нинг маблағилари хисобидан амалга оширилади.

### III. Тарафларнинг хуқуқ ва мажбуриятлари

#### 3.1. «Истеъмолчи» нинг хуқуқлари:

3.1.1. Тегишли сифат даражасидаги ичимлик сув ва окова сув тармокларига хизмат кўрсатиш талабларини бажармаганлиги учун «Таъминотчи» ташкилотидан қонунчиликда ва шартнома шартларида кўрсатилган микдорда жарима (пеня)лар тўлашни талаб қилиш;

3.1.2. «Таъминотчи» ташкилотини шартномани бекор килиш тўғрисида, унинг бекор килинишидан камида 15 кун олдин огохлантирган ҳолда ва ушбу мурдатда сув таъминоти ёки окова сувни чиқариш бўйича кўрсатилган хизматлар учун тўловларни тўлиқ амалга оширган ҳолда шартномани бир томонлами бекор қилиш;

3.1.3. Ичимлик ва окова сув хизматлари учун амалга оширилган тўловларнинг ҳолати, карзларнинг йўклиги ҳакидаги маълумотлар ва маълумотномани шахсан ёки ўз вакили орқали бепул олиш;

3.1.4. «Таъминотчи» ташкилотидан ичимлик ва окова сув хизматлари ҳажми ва сифати, уларни амалга ошириш шартлари, тўловлар тарифи ва тартибларининг ўзгариши ҳакидаги маълумотларни бепул олиш;

3.1.5. Ичимлик ва оқова сув хизматлари кўрсатилмаётганилиги ёки уларнинг паст сифатда эканлиги тўғрисидаги далолатнома тақдим этилгандан кейин 18 соат мобайнида «Таъминотчи» ташкилотидан носозлиги ва камчиликлари бартараф этиш бўйича маълумотларни олиш;

### **3.2. «Истемолчи» нинг мажбуриятлари:**

3.2.1. Оқава тармогида авария бўлган тақдирда ертўла хоналарини сув босишидан саклайдиган барча ўчирувчи курилмаларнинг бут сакланганилиги, ишга яроқлилиги ва нормал техник ҳолатда бўлишини таъминлаш;

3.2.2. Истемолчига қарашли санитария асбоблари, оқава тармоклари, иншоот ва курилмаларда тамбанинг ўйклиги, ревизияларнинг зич ёпилмаслиги, носоз техник ҳолати туфайли истемолчининг оқава тармокларида ёки «Таъминотчи» ташкилотида, ичимлик сув ва оқованинг ташки тармокларида авария (тиклиб колиш, сув босиш) содир бўлиши сабабли ертўла хоналарини сув босиши оқибатида етказилган зарарни коплаши;

3.2.3. «Таъминотчи» ташкилоти билан хисоб-китоб қилиш учун фойдаланиладиган сувни хисобга олиш прибори, айланма линия зулфини, ёнгин зулфинлари, гидрантлар ва унинг худудида ёки тасарруфида бўлган ҳамда «Таъминотчи» ташкилоти томонидан пломбалантган бошқа ичимлик сув курилмаларидағи пломбаларнинг бутлиги ва саклаш;

3.2.4. «Таъминотчи» ташкилотига ичимлик ва оқова сув тармоклари, иншоотлари ва курилмаларининг шикастланиши туфайли етказилган зарар учун конунчиликда белгиланган тартибида жавобгарлик;

3.2.5. Ичимлик суви таъминотининг ёнгинга карши тизимидан фойдаланиш тўхтатилганда «Истемолчи» 24 соат мобайнида «Таъминотчи» ташкилотига пломба узилгани тўғрисида далолатнома тақдим этиши ва зулфинларни пломбалаш учун «Таъминотчи» ташкилоти вакилини чакириш;

3.2.6. «Таъминотчи» билан тузилган шартномага мувофиқ мажбуриятларига риоя қилиш, ҳар ойнинг 23 дан 25 гача санасида кўрсаткичларни ўз вақтида ва аниқ ечиб олиш ҳамда ушбу кўрсаткичларни «Таъминотчи»га кечикмаган холда тақдим қилиш ва тўловни амалга ошириш.

### **3.3. «Таъминотчи» нинг хуқуқлари:**

3.3.1. «Таъминотчи» ташкилоти, истемолчими 7 кун аввал ёзма равишда огохлантирган холда, куйидаги холатлarda сувни узатиш ва оқова сувларни кабул қилишни тўлиқ ва кисман тўхтатиши мумкин:

а) «Истемолчи»га тегишли ва унинг тасарруфида бўлган ичимлик ва оқова сув тармоклари, курилма ва иншоотларнинг техник ҳолати коникарсиз бўлганда ва «Таъминотчи» ташкилоти вакиллари томонидан аниқланган техник фойдаланишдаги хатоликларни бартараф этиш бўйича «Таъминотчи» ташкилоти талаблари истемолчи томонидан бажарилмаганда;

б) «Таъминотчи» ташкилот мансабдор шахси истемолчининг сувни хисобга олиш узели, ичимлик ва оқова сув тармоклари, курилмалари ва иншоотларини назорат қилиш ҳамда сувни хисобга олиш прибори кўрсаткичларни кайд этиш, пломбаларни ўрнатиш максадида кўздан кечириш, белгиланган лимитдан кўп сарф қилинганда сув беришни мувофиқлаштириш ва «Таъминотчи» ташкилоти нарядлари бўйича бошқа ишларни бажариш учун келганда истемолчи томонидан асоссиз равиша киритилмаганда;

в) «Таъминотчи» ташкилоти томонидан истемолчи уланган ичимлик ва оқова сув тармоклари, курилмаларида режали-огохлантириш тарзида таъмирлаш ҳамда хизмат кўрсатиш ишлари ўтказилганда, шунингдек, янги истемолчиларни улаш ишлари амалга оширилганда;

г) «Истемолчи» тасарруфида бўлган ичимлик ва оқова сув тизимлари ёки тармокларига субабонентларнинг ўзбошимчалик билан улангани аниқланганда;

д) «Истемолчи» томонидан ичимлик ва оқова сув хизматлари учун белгиланган муддатларда ҳак тўланмаганда;

е) «Истемолчи»нинг тасарруфида бўлган ичимлик ва оқова сув тармокларига, курилмаларига «Таъминотчи» ташкилотидан уланиш учун белгиланган тартибида рухсатнома олган субабонентларнинг тегишли тартибида уланиши рад этилганда;

ё) «Истемолчи» томонидан шартномага ташкилотидан уланиш учун белгиланган тартибида рухсатнома олган субабонентларнинг тегишли тартибида уланиши рад этилганда;

з) «Таъминотчи» ташкилоти куйидаги холатларда олдиндан хабар қилмасдан сув узатиши тўлиқ ёки кисман тўхтатиши ҳакли:

а) «Таъминотчи» ташкилотининг электр таъминоти тўхтатилганда;

б) Табиий оғатлар рўй бергандага;

в) Авария холатларида;

г) Ёнғин чиккан жойларга сув узатишни күпайтиришга зарурат туғилғанда.

**3.4. «Таъминотчи»нинг мажбуриятлари:**

3.4.1. Сув таъминоти ва оқова сувни чикариб юбориш юзасидан шартнома шартларини бажариш;

3.4.2. Ичимлик ва оқова сув тармокларининг техник холатини мунтазам равишида назорат килиб бориш;

3.4.3. Тармокдаги ичимлик сув сифати мониторингини олиб бориш;

3.4.4. Истеммолчиларнинг ичимлик ва оқова сув тизимларига уланган ичимлик сув ва оқава тармоклари, иншоотлари хамда курилмаларининг холатини ва улардан фойдаланилишини мунтазам равишида назорат килиб бориш, улардан самарали фойдаланишини ташкилластириша истеммолчиларга амалий ёрдам кўрсатиш;

3.4.5. Истеммолчилар томонидан сувни беҳуда сарфининг олидини олиш, саноат корхоналари ва уларга тенглаштирилган корхоналарда сув бериш бўйича белгиланган лимитларга риоя килинаётганини мунтазам равишида назорат килиш;

3.4.6. Сув истеммоли белгиланган меъёр (лимит)лардан ортиб кетган холатларда «Таъминотчи» ташкилотларига белгиланган тарифларга нисбатан орттирилувчи 10,0 коэффициентни кўллаш;

3.4.7. Оқова сув тизимиға оқизилаётган оқоваларнинг сифати мониторингини таъминлаш;

3.4.8. Шартнома шартларига мувофик ўз мажбуриятларини бажара олмаган холатларда истеммолчига пена хисоблаш;

3.4.9. Истеммолчиларнинг шартнома шартларига риоя этишмагани масаласи бўйича суд органларига мурожаат қилиш;

3.4.10. Ичимлик ва оқова сув хизматлари учун амалга оширилган тўловларнинг холати, карзларнинг йўклиги хақидаги маълумотларни истеммолчиларга белупу тақдим этиш;

3.4.11. Ичимлик ва оқова сув хизматлари тарифларидағи ўзгаришлар хақида улар амалда жорий килинишидан 15 кун аввал оммавий аҳборот воситалари ёрдамида истеммолчиларни хабардор килиш;

3.4.12. Ичимлик ва оқава сув хизматларини кўрсатишида рўй бериши мумкин бўлган режали тўхтатиш ва узилишлар хақида истеммолчилар узилишлар бошлангунгача 10 иш кунидан кечикмай огоҳлантириш.

**IV. Тарафларнинг жавобгарлиги**

4.1. «Таъминотчи» ушбу шартномага мувофик мажбуриятларни бажармасликда ёки лозим даражада бажарилмаган холларда келиб чиккан зарарни, «Истеммолчи» эса етказилган хақиқий зарар ўрнини коплаши шарт.

4.2. «Истеммолчи» кўйидагилар учун жавобгардир:

а) Ичимлик сувни хисобга олиш прибори пломбалари бутлиги, айланниш чизиги жўмраги, гидрант ва бошқа сув узатиш мосламаларидағи кисмларининг худудиди ва тасарруфида бўлган пломбалангандан хисоблаш курилмаларининг бутун сакланиши учун;

б) Сув тармокларига ўз бошимча уланиб олиш, совук сувни хисобга олиш курилмаларининг қасддан бузилишига ўйл кўйиши хамда сув хисоблаш приборларидағи кўрсаткичларни ташқаридан аралашган холатлари учун;

в) Ўзбошимчалик билан курилган иншоотлар сабабли тармоклардаги авариялар бўлган холатларда;

г) Дренаж тизми мавжуд бўлса «Истеммолчи» худудида жойлашган оқова тармоғига ёмғир ва эриган кор сувларнинг тушишига ўйл кўймаслик. Ушбу коидабузарлик аниқланганда «Таъминотчи» ўрнатилган тартибда далолатнома тузади ва ушбу далолатнома «Истеммолчи»нинг масъулият ва жавобгарлик чорасини белгилаш учун асос бўлиб хизмат киласи;

д) Қонунчиликда ўрнатилган бошқа холларда.

4.3. «Таъминотчи» кўйидаги холларда жавобгардир:

а) Амлдаги меърий-хукукий хужжатларнинг талабларига мувофик ва конунчиликда кўзда тутилган бошқа холларда;

б) «Истеммолчи»ларга ичимлик ва оқова сув хизматларидан фойдаланиш учун зарур бўлган техник шартларни ўз вактида ва ишончли тақдим килиниши учун;

в) «Истеммолчи»нинг хаёти, саломатлиги ва мол-мулкига етказилган зарар, маънавий зарар учун конунчиликда ўрнатилган тартиб ва миқдорда коплаш;

г) Шартнома шартлари ва юклатилган мажбуриятларни бажармаслик.

**V. Сув таъминоти ва сув чикариш хизматлари учун хисоблар ва тўловларнинг тартиби**

5.1. Ичимлик ва оқова сув таъминоти тизимидан чикарилган (қабул килинган) сувнинг хисоби хисоблаш прибори мавжуд бўлганда, хисобга олиш приборининг кўрсаткичларига мувофик амалдаги тарифлар бўйича ҚҚСни хисобга олган холда амалга оширилади.

5.2 «Истеъмолчи» ичимлик ва оқова сув хизмати учун хисобга олиш приборлари мавжуд бўлганда охирги уч ойнинг ўртacha сарфи бўйича кейинги ой учун хар ойнинг 10-санасига қадар 100 фоиз олдиндан хақ тўлашни амалга оширишлари лозим.

5.3 Тўловининг шартномада белгилангандан кечикирилган хар бир куни учун истеъмолчи 0,4 фоиз пена тўлади. Аммо бу кўрсаткич жами кечикирилган сумманинг 50 фоизидан ошмаслиги лозим.

5.4 «Истеъмолчи» кейинги ой учун хар ойнинг 10-санасига қадар 100 фоиз олдиндан хақ тўловларини амалга оширмасалар, истеъмолчиларни ёзма равишда хабардор килган пайтдан бошлаб беш иш куни тўландан кейин карзларни конун хужжатларидан белгиланган тартибда истеъмолчиларни ичимлик сув таъминоти ва сув чиқариш хизмати тармокларидан узб қўйиш йўли билан ундириш чораларини кўради.

Бундай холларда ёнгиндан сакланиш ва санитария ҳолатлари учун жавобгарлик тўлиқ «Истеъмолчи» зиммасига юклатилади. Сув таъминоти ва оқова сув чиқариш тизимидан илгари узиди тўйилган холларда кайта улашда «Истеъмолчи»дан базавий хисоблаш микдорининг 10 (ўн) баробари микдорида тўлов кайта улашни амалга оширган ташкилот хисобига маблагларни ўтказиш орқали ундирилади;

5.5. Оқова тизимида келиб тушувчи оқова сувининг микдори, ичимлик сув тармоғидан ўтказиб бериладиган ичимлик сув микдорига тенг. Марказлашган иссиқ сув таъминоти мавжуд бўлган холларда, истеъмол килинувчи ичимлик сув микдорига оқова сув тармоқлари хисоби учун 2,0 коэффициенти кўлланилади. «Истеъмолчи»нинг ўзида сув таъминотининг курилмалари мавжуд бўлса, оқова сувларининг микдори ушбу сув курилмаларининг маҳсулдорлигига (ўрнатилган ва рўйхатга олинган хисоблаш приборларининг кўрсаткичларига) кўпайтирилади. Ички сув таъминоти тизими «Истеъмолчи»нинг шахсий автомон манбаси билан боғлиқ бўлмаслиги лозим.

5.6. Объект эгаси автомон сув таъминоти (кудуқ, очик сув олиш хавзаси, ирригация тизими)га ва (ёки) марказий оқова тизимидан бошқа оқова ташлаш манбаларига эга бўлган ҳолатларда «Таъминотчи» ташкилоти билан шартнома тузиш учун маҳсус табий сув объексларидан маҳсус сув олиш ёки истеъмол қилиш учун руҳсатномани кўшимча равишда тақдим этиши зарур.

5.7. Сув таъминотининг хусусий автомон манбаи (артезиан скважинаси, кукуш, очик сув хавзаси, ирригация тизими ва бошқалар) мавжуд бўлганда оқова тизимида оқизиш учун тўловлар ўрнатилган насоснинг ишлаб чиқариш куввати ёки ўрнатилган ва рўйхатдан ўтказилган хисоблаш приборининг кўрсаткичлари асосида амалга оширилади. «Истеъмолчи»га қарашли бўлган автомон сув таъминоти манбанинг ички тизими марказий сув таъминоти тизими билан туташмаган бўлиши шарт.

## VI. Алоҳида шартлар

6.1. Объект эгаси ўзгарганда истеъмолчи чиқиб кетишидан 7 кун аввал мавжуд карзларини тўлаб, бу хақда «Таъминотчи» ташкилоти билан далолатнома имзолаши шарт. «Истеъмолчи» чиқиб кетгач сувни хисобга олиш прибори, пломбаларнинг бутлиги ва қопланмаган дебитор қарздорлик учун жавобгарлик объектининг янги эгаси зиммасига юкланди.

6.2. Етказиб берилтган ёки кабул килинган ичимлик суви хажми кувурнинг ўтказиш қобилиятидан келиб чиқиб ойнинг календар кунлари хисобидан кўйдаги формула асосида хисобланади:

$$Q = M \times F \times \sqrt{2g} \times H \times t$$

бунда:  $M$  – 0,60га тенг бўлган зулфин орқали сув сарфи коэффициенти;

$F$  – суюклик оқиб ўтадиган кувур ёки тешик кесими майдони (ички диаметр бўйича) $m^2$ ;

$g$  – 9,81 м/сек га тенг бўлган эркин тушиш тезлиги;

$H$  – сувнинг метрлардаги босими;

$t$  – вакт- 24 соат, секундларда.

**Кўйндаги ҳолатларда юкоридаги формула асосида хисобланади:**

6.2.1. «Истеъмолчи»да сув ўлчаш прибори ва мосламалари йўқ бўлган ҳолатларда (ёки носоз ҳолатда);

6.2.2. Сув ўлчаш прибори ёки мосламаси «Таъминотчи»да рўйхатдан ўтмаган тақдирда;

6.2.3. Ичимлик суви билан ўзбошимчалик билан фойдаланганда;

6.2.4. Сув ўлчаш прибори, мосламаси ишдан чиқсан, сингсан, бузилган ҳолатда, сарфланган сув хажми сўнгги тузилган далолатнома муддатидан янги сув ўлчаш прибори ўрнатилган (рўйхатдан ўтказилган) кунгача хисобланади;

6.2.5. «Таъминотчи»нинг сув ўлчаш бўгинини диаметри кичикроқ бўлган мосламага алмаштириш тўғрисидаги талабномаси қўндирилмаган ва бажарилмаган ҳолатларда;

6.2.6. Сув ўлчаш приборининг хисоб-китобини олиб бориши бўғинидаги кўйилган химоя копламига (пломбага) руҳсатсиз тегилиш натижасида, ичимлик сув сарфини аниқлаш имконияти чегараланганда;

6.3. Ичимлик ва окова сув тизимларига (жумладан ёнгидан сакланиш гидрант ва кувурларига) ўзбошимчалик билан уланиб олинган ва фойдаланилган холатлар аниқланганда «Таъминотчи» томонидан далолатнома тузилди ва шу тузилган далолатнома ўзбошимчалик билан уланиб олган шахснинг жавобгарлиги даражасини аниқлаш ва «Таъминотчи»га етказилган зарарни хисоблаш учун асос бўлиб хизмат киласи. Бунда:

- тўлов муддати, энг сўнгги тузилган далолатнома санасидан ўзбошимчалик билан уланиб олинган кун санасигача ёки янги сув ўлчаш прибори ўрнатилиб, рўйхатдан ўтказилган кунгача ёки ўзбошимчалик билан уланиш узиб ташланган кунга кадар хисобга олинади;

- ўзбошимчалик билан уланиб олинган санадан бу ҳақда маълум бўлган санагача, агар «Таъминотчи» балансдаги тармокларга уланиш содир этилган бўлса, бу муддат даъво аризаси ёзилган муддатдан ошмаслиги зарур. Агар ўзбошимчалик билан уланган санани топиши, аниқлаш мумкин бўлмаса, бу муддат даъво муддатига тенг деб олинади.

6.4. Техник шартлар 2 йил муддатта берилади. Белгиланган муддат тугагач буюртмачи (объектни лойхалаштириш ва куришни бошлиш учун) лойиха муддатини чўздириши ёки янги техник шартларни олиши зарур.

Техник шартлари мавжуд бўлмаган холда ёки муддати ўтган холда, «Таъминотчи» томонидан сув узатиш хизматларини якунлашга асос бўлади.

6.5. «Истеъмолчи» ичимлик ва окова сувни тармокларига уланиш санаси ҳакидаги хужжатларни тақдим этмаган холатларда «Таъминотчи» томонидан хоким карори ва кадастр хужжатлари хамда шу кабилар асосида хужжат билан тасдикланган уланиш санаси бўйича хисоб-китоб килишга ҳаклидир.

6.6. Ишлатилган ичимлик суви ва кабул килинган окова сув учун тўловлар «Таъминотчи» томонидан тақдим этиладиган тўлов талабномалари асосида уларга хизмат қилувчи банклар орқали амалга оширилади. Бу тўловлар «Истеъмолчи» томонидан З кунлик муддат ичida акцептсиз тартибда амалга оширилади. Тўловлар ўз вактида амалга оширилмаган тақдирда «Таъминотчи» кечикистирилган тўловнинг ҳар бир куни учун 0,4 фоиз пея ёзади ва унинг умумий киймати асосий тўловнинг 50%дан ошмаслиги лозим.

6.7. Окова тизимида руҳсат этилмаган ёмғир ва эркин кор сувлари оқизилаётган, ишлаб чиқариш окова сувларини «Истеъмолчи»лар томонидан ташлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 3 февраль кунидаги кабул килинган 11 сонли карори билан тасдикланган “Ишлаб чиқариш окова сувларини кабул қилиш қондлари” хамда ифлослантирувчи моддаларининг Ўзбекистон Республикаси шахарлари ва бошқа аҳоли пунктларининг окова тармокларига нормативдан ортиқча оқизилганлиги учун «Истеъмолчи»ларга белгиланган тарифга нисбатан 3 (уч) баробар оширилувчи коэффициент микдор тартибда хисобланади.

6.8. Окова сувни чиқариб юборишнинг хажми ва таркиби бўйича меъёrlар билан белгиланган оқизишнинг ўйл кўйиладиган чекланган микдоридан ортиқча окова сувлар ва ифлослантируvчи моддаларнинг чиқариш тақиқланади.

6.9. Ифлослантируvчи моддаларни нормативдан ортиқча оқизганлик учун компенсация тўловларини хисоблаб ёзиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 11 оқтабрдаги “Табиатни муҳофаза қилиши, таъминлашнинг иқтисодий механизmlарини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 820-сон карорига мувофиқ амалга оширилади.

6.10. Ишлаб чиқариш окова сувларини кабул қилиш қондлари хамда ифлослантируvчи моддаларнинг Ўзбекистон Республикаси шахарлари ва бошқа аҳоли пунктларининг окова тармокларига нормативдан ортиқча оқизилганлиги учун компенсация тўловларини хисоблаш тартиби асосида амалга оширилади, дебитор карздорлик тўланмаган тақдирда «Истеъмолчи» окова тармокларидан узиб кўйилади.

6.11. Хисоб-китобнинг нотўғри килинганлиги (тарифларнинг нотўғри хисобига олинганлиги ва шу каби холатлар) тўғрисида «Истеъмолчи» ёзиладиган эътироzнома тўлов хужжати олингандан кейин 5 кун муддатда «Таъминотчи»га тақдим этилиши керак. Эътироzнома «Истеъмолчи»ни тўлов талабномаси ва хужжатида кўrsatilgan суммани тўлик ва белгиланган муддатда тўлашдан озод қилмайди.

## VII. Низоларни ҳал этиш тартиби

7.1. Тарафлар ўртасида шартнома юзасидан келиб чиққан низолар, қелишув йўли билан ҳал қилинади.

Агарда иккى тъмонлама келишувга эришилмаса, низолар Ўзбекистон Республикаси конунчилигига мувофиқ юридик «Истеъмолчи» давлат рўйхатидан ўтган суд органларидаги кўриб чиқилади.

7.2. Ушбу шартномада белгиланган ҳолатлар юзасидан низо келиб чикқан тақдирда Конунчилликда белгиланган тартибда ҳал килинади.

### VIII. Форс – мажор

8.1. Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ходисалари ва бошқа енгиб бўлмайдиган куч (форс мажор) ҳолатлари (зилзила, сув тошқини, ёнгин, сел, дўл, жала ва бошқа табиий оғатлар) натижасида келиб чикса ва агар бу ҳолатлар музкур шартноманинг бажарилишига бевосита таъсир этса, томонлар бундай бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

Мазкур шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш муддати енгиб бўлмайдиган куч ҳолатлари амал килган, шунингдек, ушбу ҳолатлар юзага келтирган вақтга мутаносиб равишда узайтирилади.

8.2. Форс-мажор ҳолати мавжуд бўлган томон 3 кун ичida бошқа томонни форс-мажор ҳолати бошланган муддатларни кўрсатган ҳолда ёзма равишида огохлантириши лозим.

8.3. Агар форс-мажор ҳолатининг шартнома шартларини бажаришга уч ойдан кўп муддат тўскинилик килса, томонлардан бири шартноманинг бекор килиш хукуқига эга.

### IX. Шартноманинг амал қилиш муддати

9.1 Ушбу шартнома уч нусхада тузилган бўлиб, икки нусхаси таъминотчида бир нусхаси истеъмолчида сакланади.

9.2 Шартнома газначилик бўлинмаларида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йилнинг 31 декабригача амал килади.

### X. Тарафларнинг юридик манзили:

#### «ТАЪМИНОТЧИ»



*Анж. Ш. Гранендорф Бодорев*  
ИСТЕЬМОЛЧИ  
Манзил And. Sh. Гранендорф Бодорев  
Тел: Анж. Ш. Гранендорф Бодорев, факс: \_\_\_\_\_  
газ/х-р \_\_\_\_\_  
Банк \_\_\_\_\_  
Банк коди \_\_\_\_\_ СТИР \_\_\_\_\_  
ХХТУТ \_\_\_\_\_  
Шахсий ракам \_\_\_\_\_  
Шахсий х-р 1000018600340130459022  
Банк Ипотека Б. Мег. од FB001  
Банк коди Анж. Ш. Гранендорф Бодорев СТИР 3062322029  
(Использование банковской карты)  
Рахбар М.Х. Гимзо (Ф.И.О. Гимзо)  
«10.05.2022» 2022 й.



Ушбу шартнома Ўзбекистон Республикаси Фуқарорлик кодекси ва “Хўжалик юритувчи субектларнинг шартномавий хукуқий асоси тутрисида”ги  
Конун талабларига мубориб тузилган

Юрисконсульт: \_\_\_\_\_

*Юрисси Денис*  
«05 09 2022»

## **Юридик шахслар учун сув тъмниоти шартномасига 1-ИЛОВА**

## Етказиб бериладиган сув сарфи

## Тариф гурӯҳи

## Фаолият тури

	Сув сарфи м3	Окава сарфи м3		
Йил, жами				
Январь	34			
Февраль	35			
Март	35			
Апрель				
Май				
Июнь				
Июль				
Август				
Сентябрь				
Октябрь				
Ноябрь				
Декабрь				

## **Юридик шахслар учун сув таъминоти шартномасига 2-ИЛОВА**

## Сув ҳисоблагиchlари ўрнатилган жойлари ва тавсифлари

